

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Son 10 Jild 4  
**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 10 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолiddиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пулатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### **Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

**MUNDARIJA**

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

<i>Jale Özlem, Murodaliev Rakhmonali, Askarov Ollabergan</i> ABOUT ARCHAEOLOGICAL SURVEY IN TASHKENT REGION (2022) .....	9-17
<i>Хомиджонова Мафтунахон</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ СЕВЕРО-ЗАПАДНОЙ УСТРУШАНЫ, В ЧАСТНОСТИ БАСЕЙНА ЗААМИНСУ .....	18-26
<i>Nig'matullayev Ibrohim</i> SHIA JAMOALARINING MUQADDAS JOYLARI VA ZIYORATLARI .....	27-32
<i>Arslonbekov Nursulton</i> ZIYOVUDDINXON IBN ESHON BOBOXONNING ARAB MAMLAKATLARIDA BO'LGAN DASTLABKI SAFARI VA UNING NATIJALARI .....	33-36
<i>Nasirillayeva Nodirabegim</i> ABDULLA NOSIROVNING "TURON" KUTUBXONASIDAGI FAOILAYATI .....	37-42
<i>Tuyev Fazliddin</i> NAVOIY VILOYATIDA SOG'LIQNI SAQLASH BORASIDA O'ZARO TASHQI HAMKORLIK ALOQALARI .....	43-47
<i>Davlatova Shoirra</i> TURKISTON SOVET AVTONOMIYASINING E'LON QILINISHI VA O'LKADA BOLSHEVIKLARNING BOSHQARUV TASHKILOTLARI .....	48-53
<i>Muminov Azizbek</i> TURIZM SOHASIDA EKOLOGIK BILIM VA EKOLOGIK MADANIYATNI YUKSALTIRISH .....	54-59
<i>Abdullayev Elbek</i> AMIR TEMUR VA MUZAFFARIYLAR DAVLATI O'RTASIDA MUNOSABATLARNI YO'LGA QO'YILISHI .....	60-63
<i>Turg'unov Sherzod</i> NAMANGAN VILOYATI SANOAT KORXONALARIDA MEHNATKASHLAR UCHUN YARATILGAN SOG'LIKNI SAQLASH, SPORT-SOG'LOMLASHTIRISH VA MADANIY – MA'RIFIY SOHADAGI SHAROITLAR HAQIDA FIKR MULOHAZALAR .....	64-71

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

<i>Berdaliyeva Muxabbatxon</i> O'ZBEKISTONDA UY-JOYNI MOLIYALASHTIRISHNI TARTIBGA SOLISH: IQTISODIY VA HUQUQIY JIHATLARI .....	72-79
<i>Ergashev Jahongir</i> KICHIK BIZNES FAOLIYATIDA TA'MINOT ZANJIRINI BOSHQARISHNING NAZARIY JIHATLARI .....	80-84
<i>Imomov Xolmurod</i> TA'LIM XIZMATLARI BOZORIDA DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY YONDASHUVLARI .....	85-90

<i>Атамуродов Шерзод, Самадов Салоҳиддин</i> ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	91-99
<i>Қодиров Музаффар</i> РАҚОБАТ МУҲИТИДА ТАШКИЛОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	100-108
<i>Amiriddinova Muslima</i> ANALYSIS OF TOURISM SERVICE TYPE AND GENERAL CATERING TO INCREASE THE TRAFFIC AND TRAFFIC .....	109-114
<b>09.00.00 – FALSAFA FANLARI</b>	
<i>Yuldashev Tazabay</i> DARVIN VA MARKS TA'LIMOTI INSON BORLIG'INI OBYEKTIV TUSHUNTIRISHNING XULOSASI SIFATIDA .....	115-119
<i>Sultanov Og'abek</i> SHARQDA YOSHLAR MAS'ULIYATIGA DOIR FALSAFIY QARASHLAR RIVOJI .....	120-123
<i>Tursunkulova Shaxnoza</i> HADISLARDA INSONNING GO'ZAL FAZILATLARI XUSUSIDA .....	124-127
<i>Khushbokov Oybek</i> THE "TEACHER" PHENOMENON IN THE HISTORICAL AND PHILOSOPHICAL SPACE OF CULTURE .....	128-134
<i>Tojaliyev Abduqosim</i> YANGI O'ZBEKISTON TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINING INNOVATSION ISTIQBOLLARI .....	135-139
<i>Sadullaeva Matluba</i> NUMBER AS THE ESSENCE OF THINGS: PYTHAGOREAN PHILOSOPHY .....	140-145
<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
<i>Mirzakamolova Maftuna</i> ASSOCIATIV LINGVISTIKA VA UNING XUSUSIYATLARI .....	146-150
<i>Temirova Hayotxon</i> DIALECT CLASSIFICATION AND PHONETIC CHARACTERISTICS OF UZBEK DIALECTS IN THE SURKHANDARYA REGION .....	151-155
<i>Surmilova Elena</i> LINGUISTIC AND CULTURAL CHARACTERISTICS OF TONGUE TWISTERS: A LITERATURE REVIEW .....	156-164
<i>Mahmudova Nigoraxon</i> PRAGMALINGVISTIKADA IKKI YO'NALISH .....	165-169
<i>Ergasheva Gulshan</i> NEMISCHA FRAZEOLOGIZMLARNING STRUKTUR-SEMANTIK TAHLILI (INSON INTELLEKTUAL SALOHİYATINI IFODALOVCHI IBORALAR MISOLIDA) .....	170-174
<i>Masharipova Valentina</i> DIFFICULTIES CLASSIFYING PARALINGUISTIC MEANS IN A LITERARY TEXT .....	175-182

*Ibragimova Gulshan*

O‘ZBEK SHOIRLARI VA ADIBLARI IJODIDA CHINOR DARAXTI OBRAZI ..... 183-188

**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Халиқулов Комолиддин*“COMITAS GENTIUM” ДОКТРИНАСИННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУД  
ҚАРОПЛАРИНИ ТАҲ ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШГА ТАЪСИРИ ..... 189-195*Yakubov Xushnudbek*

TERRORIZMNING KELIB CHIQISH SABAB VA OMILLARI ..... 196-202

*Mutalov Oybek*O‘ZBEKISTONDA ELEKTRON SHARTNOMALARNING HUQUQIY TARTIBI:  
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR ..... 203-208*O‘razbayev Laziz*DAVLAT BUYURTMASI ASOSIDA YARATILGAN MUALLIFLIK HUQUQI  
OBYEKTLARINING HAMDA XIZMAT ASARINING O‘ZIGA XOS JIHATLARI ..... 209-214*Arslonqulova Aziza*INTELLEKTUAL MULK HUQUQINI XALQARO XUSUSIY HUQUQDA TARTIBGA  
SOLISH MASALALARI ..... 215-219**13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI***Saidova Kamola*КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ РОЛИ ШКОЛЫ И УНИВЕРСИТЕТА В ВОСПИТАНИИ  
ЗАПАДНОЙ МОЛОДЕЖИ ..... 220-225*Jumaniyozova Muhayyo*OLIIY TA'LIMDA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNI O'QITISHGA  
KREATIV YONDASHUVNING ZARURATI ..... 226-232*O'smanova Diloromxon*BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARINING ADABIY-NUTQIY KOMPETENSIYALARINI  
SHAKLLANTIRISH VA TASHXISLASHNING ASOSIY MEZONLARINI ANIQLASH ..... 233-240*Nasriddinov Dadaxon*OLIIY HARBIIY TA'LIMDA FIZIKA O'QITISH SAMARADORLIGINI MOBIL ILOVALAR VA  
ROBOTOTEXNIKA ELEMENTLARI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN  
AMALGA OSHIRILGAN ISHLAR ..... 241-250*Fayziyeva Dildora, Rajabova Gulchexra*BO'LAJAK PEDAGOGLARNING MEDIA KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH  
ISTIQBOLLARI ..... 251-259*Marhabo Sayfulloyevna*BUXORO JADIDLARINING TA'LIM-TARBIYAGA OID ASARLARIDA MILLIY  
TARBIYA MUAMMO SIFATIDA ..... 260-267*Юсупов Лутфуллоҳ*

КРЕАТИВ ТАЪЛИМНИ ЖАМИЯТ РАВНАҚИДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 268-272

*Norboyev Farhod*

INNOVATSIYALAR MANBALARI: AKTYOR-TARMOQ NAZARIYASI ..... 273-278



**12.00.00-YURIDIK FANLAR – LAW**

**Received:** 30 September 2024

**Accepted:** 5 October 2024

**Published:** 15 October 2024

*Article / Original Paper*

**THE IMPACT OF THE “COMITAS GENTIUM” DOCTRINE ON THE  
RECOGNITION AND ENFORCEMENT OF FOREIGN COURT DECISIONS**

**Halikulov Komoliddin Nosirovich,**

Lecturer of the Department of International Law and  
Human Rights of Tashkent State University of law

E-mail: [x.komoliddin@gmail.com](mailto:x.komoliddin@gmail.com)

**Abstract.** This article examines the influence of the “comitas gentium” doctrine on the recognition and enforcement of foreign court decisions. The history of the formation of this doctrine, its legal essence, and its application in judicial practice are studied. The article analyzes that the principle of comity (comitas), formed on the basis of the “comitas gentium” doctrine, cannot be classified as jus cogens (peremptory) norms and does not impose obligations on states.

**Keywords:** comitas gentium, principle of comity (comitas), foreign court decisions, recognition and enforcement, sovereignty, principles of international law, Ulrich Huber.

**“COMITAS GENTIUM” ДОКТРИНАСИННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУД  
ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРО ЭТИШГА ТАЪСИРИ**

**К.Н.Халиқулов**

Тошкент давлат юридик университети  
«Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси  
ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада “comitas gentium” доктринасининг хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро этишдаги аҳамиятига таъсири ўрганилган. Ушбу доктринанинг шаклланиш тарихи, ҳуқуқий моҳияти ва суд амалиётида қўлланилиши ўрганилган. Мақолада “comitas gentium” доктринаси асосида шакланган хушмуомалалик (comitas) принципини jus cogens (императив) нормалари қаторига киритиб бўлмаслигини ва давлатларга мажбурият юклаганлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** comitas gentium, хушмуомалалик (comitas) принципи, хорижий давлат суд қарорлари, тан олиш ва ижро этиш, суверенитет, халқаро ҳуқуқ принциплари, Улрик Хубер.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I10Y2024N29>

**Кириш.** Давлатлар ўртасида халқаро муносабатларнинг ривожланиши натижасида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий томонлама тартибга солишда, давлатлар миллий қонунчилигининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, турли давлатларнинг судлари томонидан чиқарилган қарорларни бошқа давлатлар ҳудудида тан олиш ва ижро этишни амалга оширишда ҳуқуқий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолат, аввало, давлатларнинг суверенитети билан чамбарчас

боғлиқлиги, ўзига хос мураккабликларни вужудга келтирганлиги сабабли, давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни амалга оширишни талаб қилади.

Хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро этилиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий ёндашувлар давлатлар ўртасида суверенитет билан боғлиқ бўлган зиддиятли вазиятларни тартибга солишда муайян мезонларни ҳисобга олиш имконини беради. “Comitas gentium” (хушмуомалалик) доктринасининг асосий ғояси шундан иборатки, бир давлатда қўлга киритилган ҳуқуқлар бошқа давлатнинг ҳуқуқига зарар етказмаса, тан олинишини англатади[13]. “Comitas gentium” (халқаро хушмуомалалик) доктринаси, бир давлат судлари томонидан чиқарилган суд қарорларини бошқа бир давлатнинг судлари томонидан тан олиниши ва ижро этишни халқаро хушмуомалаликка асосан амалга оширишга ундайди.

XIII – асрдан бери Европа минтақасида ҳуқуқшунослар чет эл ҳуқуқини қачон ва қандай қўллаш масаласида турли хил қарашларга эга[9]. Бундай қарашларнинг вужудга келишига асосий сабаблардан бири давлатлараро халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Италиялик ҳуқуқшунослар ҳар бир шахс ёки нарсанинг ҳуқуқий мақоми маълум бир жойда, маълум бир вақтда мустақамланган ва уни ўзгартириб бўлмайди деган тушунчаларни илгари суради ва бунга шахснинг никоҳдан ўтган жойи ҳамда мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишда мулкнинг жойлашган жойига эътибор бериш кераклиги ҳақидаги фикрлари келтириб ўтишган. Италиялик ҳуқуқшуносларнинг фикрлари оддийлик ва бир хилликка асосланган эди. Чунки улар давлатлараро муносабатларнинг ривожланиб боришида вақт ва вазиятнинг ўзгаришини эътиборга олишмаган. Ўша даврларга келиб давлатлар ўз суверенитети ва мустақиллигини ўйлай бошлашган эди. 1648-йилда Вестфалия шартномасининг имзоланиши натижасида, бир қанча давлатлар мустақилликка эришади. Ушбу ҳужжат, давлат суверенитети каби принципларини ўзида мужассам этган халқаро ҳуқуқнинг дастлабки ҳужжатлардан бири бўлган[4].

**Методлар.** Ушбу мақолада, хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро этилиши билан боғлиқ бўлган “comitas gentium” доктринасининг тарихий ривожланишини, турли олимларнинг фикрлари, суд амалиётида қўлланилиши, хушмуомалалик (comitas) принципининг ҳуқуқий табиати таҳлил қилишда тарихий, мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий усуллар қўлланилган.

**“Comitas gentium” доктринасида суверенитет масалалари таҳлили.** Мустақилликка эришган давлатлар қаторида Голландия ҳам бор эди, мустақилликка эришганидан сўнг, Голландия судлари олдида, хорижий давлат қонунларнинг қўлланилиши бўйича саволлар туғилади, чунки бунгача бўлган даврда испан қонунлари қўлланилар эди. Бундан ташқари, хорижий давлатлар билан савдо алоқаларининг фаол ривожланиши туфайли голландиялик ҳуқуқшунослар қонунлар ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф қилишни амалий жиҳатдан кўриб чиқишни талаб қилар эди.

Голландия давлатининг асосий фаолияти савдо билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, чет эллик шахсларнинг ҳуқуқларини ва ҳудудий суверенитетга нисбатан адолатли бўлиш талаб қилинар эди. Улар ушбу мақсадларга эришиш учун, Гуго Гроций (Hugo Grotius) томонидан ишлаб чиқилган суверенитет ҳақидаги назарияларнинг тўғри татбиқ этиш орқали муваффақиятга эришадилар. Гуго Гроцийнинг суверенитет билан бўғлиқ бўлган қарашлари халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари сифатида давлатлараро муносабатларда суверен тенглик, мустақиллик ва ички ишларига аралашмаслик каби фундаментал принципларни яратади.

Гуго Гроций суверенитет тушунчасига қуйидагича таъриф беради: суверенитет ҳеч қандай назоратга бўйсунмайди ва уни бошқа шахснинг хоҳишига кўра, йўқ қилиб бўлмайди[13]. Гуго Гроций давлатлар мустақил бўлганлиги сабабли, халқаро ҳуқуқ “инсоннинг иродаси эркинлигидан келиб чиқади” деб таъкидлайди. Халқаро ҳуқуқни

тавсифлашда “*jus cogens*” атамасини қўллаб, бу атамани бу атамани фақат халқлар ўртасидаги умумий қонуни сифатида эмас, балки ҳар бир халқнинг қонунига нисбатан ишлатади.

1600-йилларда бир гуруҳ голланд ҳуқуқшунослари, Жон ва Паул Воет, Чристиан Роденбург ва Улрик Хубер (Ulrik Huber)лар суверенитет (мустақиллик) ғоясини мустаҳкамлайдиган ва ҳуқуқий зиддиятлар (коллизия нормалар)ни ҳал қилишда прагматик, ёндашувларни топишга ҳаракат қилишади[6].

Улрик Хубер биринчи бўлиб, чет эл ҳуқуқини қўллашнинг мантиқий асосларини тасвирлаш учун *comitas gentium* (халқаро хушмуомалалик) иборасини қўллади[13]. Худудий суверенитетнинг асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда, Улрик Хубер *comitas gentium* доктринасида, коллизия нормаларнинг тўқнашувида доимо амал қилиниши керак бўлган ва ҳуқуқий асосни ташкил этувчи учта қонидани шакллантиради. Унинг фикрича, агар қонидалар ҳамма томонидан қабул қилинадиган бўлса, коллизия нормалар билан боғлиқ бўлган барча муаммолар ҳал бўлади деган ва қуйидагиларни келтирган:

1) Давлат томонидан қабул қилинган қонунлар унинг барча субъектларига ва унинг худудида жойлашган барча мулкка нисбатан қўлланилиши ҳамда қонунлар фақат ушбу давлат юрисдикцияси доирасида амал қилиши, лекин унинг чегараларидан ташқарида ҳеч қандай юридик кучга эга эмаслиги;

2) барча шахслар доимий ёки вақтинчалик яшашидан қатъий назар ушбу давлатнинг қонунларига бўйсунуши;

3) бошқа давлатларнинг олий ҳокимияти хушмуомалалик (*comitas*)дан келиб чиққан ҳолда, бир давлат доирасида олинган ҳуқуқлар ўз кучини сақлаб қолиши ва ҳамма ерда тан олиши лозимлигини, агар давлат ва унинг фуқаролари ҳуқуқига (қабул қилувчи давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларига) зарар етказмаса[8].

Улрик Хубернинг, учта қонидаси суверенитет назариясининг мантиқий хулосаларига асосланган ва халқларнинг розилиги асосида ишлаб чиқилган қонидалар экани ҳамда ушбу қонидалар халқаро ҳуқуқнинг (*jus gentium*) нормаларига асосланганлигини таъкидлаб ўтган[8]. Шундай бўлсада, чет эл ҳуқуқини қўллаш тўғрисидаги қарор давлатнинг эркин ҳуқуқи эканлигини қайд этган. Аввало, *comitas gentium* доктринасига эътибор берадиган бўлсак, бир давлат томонидан бошқа давлатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш хушмуомалалик (*comitas*) принципига асосланган эди.

Э.Г.Лорензен, Улрик Хубер “*De Conflictu legem*” асарида *comitas gentium* (халқаро хушмуомалалик) тушунчасини кенгроқ муҳокама қилганлигини ва чет эл қонунчилигини қўллашда, фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари ҳамда жиноят ишлари бўйича ҳукмларни хушмуомалалик (*comitas*) принципи асосида тан олиш ва ижро этишни кўриб чиққанлигини таъкидлаган[3].

Муаллифнинг фикрига кўра, давлатлар суверенитетининг ривожланиши натижасида суд қарорлари ва хорижий суд қарорларини ижро этиш мавзуси анча мураккаблашади. Давлатлар ўз суверенитети доирасида миллий ҳуқуқий тизимларининг устуворлигини таъминлашга интилар экан, хорижий суд қарорларининг тан олиниши ва ижро этилиш бўйича халқаро муносабатларда давлатлараро зиддиятлар ва чекловларга олиб келиши мумкин эди. Чунки ўрта асрларда, рим ҳуқуқи барча давлатлар учун умумий ҳуқуқ сифатида қаралган ва бунинг натижасида ваколатли судлар томонидан чиқарилган хорижий суд қарорларини тан олиш ва ижро этишни амалга ошириш адолатни таъминлаш нуқтаи назаридан мажбурият деб ҳисобланган. Масалан, шахсга нисбатан чиқарилган хорижий суд қарорлари тан олиш “*res judicata pro veritate accipitur*” (суд қарори ҳақиқат деб қабул қилиши) [11] қонидасидан келиб чиққан ҳолда қонуний кучга кирганидан сўнг амалга оширилган. Шу билан бирга, хушмуомалалик (*comitas*) принципи асосида тан олиш ва

ижро этиш амалга оширилаётганда, агар чиқарилган суд қарори ўша давлат ёки субъектларининг манфаатларига зарар етказса ҳамда кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган низолар бўйича, қарор мулк жойлашган жойдаги суд томонидан чиқарилмаган бўлса, қарорларни тан олиш ва ижро этиш рад қилишга сабаб бўлган.

Шунингдек, Бартолус ва Балдуслар томонидан, жиноят ҳуқуқининг халқаро ҳуқуқий жиҳатларига тегишли бўлган қоидалар ишлаб чиқилади. Ушбу қоидалардан бири шундан иборатки, агар фуқарони хорижда содир этган жинояти учун судда жавобгарликка тортиш керак бўлса, унга нисбатан жазо тайинлаш *“lex loci delictia”* (жиноят содир этилган жой қонуни)га мувофиқ белгиланиши керак эди[3]. Агар жиноят содир этилган давлатнинг қонунчилигида, шахсларнинг ҳаракатларини жиноят деб баҳоловчи тўғридан-тўғри қоидалар мавжуд бўлмаса, бу шахс чет элда жавобгарликка тортилмаслиги кераклиги тўғрисидаги қоидалар ҳам ишлаб чиқилган. Улрик Хубер, жиноятчини экстрадиритсия қилиш масалалари бўйича, жиноятчи қўлга олинган давлатнинг қонунчилиги асосида, содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, деб ҳисоблаган ва ўша давлат ҳудудида бўлган ҳар бир кишини унинг жиноий юрисдикциясига бўйсунитиши кераклигини қайд этган. Улрик Хубер фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича суд қарорлари ўртасидаги фарқни аниқламаган, агар улар давлатга ёки унинг фуқароларига зарар келтирмаса, хушмуомалалик (comitas) принциpidан келиб чиққан ҳолда тан олиниши ва ижро этилиши кераклигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, мол-мулкни мусодара қилиш бўйича чиқарилган хорижий давлат судининг ҳукмлари кўчмас мулкка нисбатан эмас, балки кўчар мулкка нисбатан самарали эканлигини қайд этишган.

Америкалик олим Уиллиам С. Додже(William S. Dodge)нинг фикрича, Улрик Хубернинг дастлабки икки қоидаси коллизия нормаларнинг асоси сифатида, ҳудудий суверенитетни асос қилиб олганлигини ҳамда тегишли давлат ҳудудида бўлган барча шахсларга, шу жумладан вақтинча бўлган шахслар ва давлат ҳокимиятига нисбатан ҳам татбиқ этилган дейди. Учинчи қоидасида, эса қатъий ҳудудийлик принциpidан чекинган ҳолда, давлатнинг олий ҳокимияти томонидан, хушмуомалалик (comitas) принципи асосида бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини тан олиш мумкинлигини қайт этган[7]. Улрик Хубер ўзининг учинчи қоидасини қуйидагича асослайди: гарчи бир давлатнинг қонунлари бошқа давлатда юридик кучга эга бўлмаса ҳам, бир давлатда тан олинган ҳуқуқлар бошқа давлат қонунчилигидаги фарқлар туфайли ўз кучини йўқотиши савдо ва халқаро амалиётда сезиларли қийинчиликларга олиб келмаган. Бу ҳолат Улрик Хубер доктринасида, халқаро савдо муносабатлари ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро ҳуқуқий меъёрларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳурмат принципларига асосланган ёндашувни қўллаш заруриятини ифодалайди. Айнан ушбу тушунча, бугунги кунда учинчи қоиданинг амал қилинишига олиб келди, яъни халқаро муносабатларни сақлаш учун шартнома тузилган жойнинг қонунларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар бошқа давлатларда тан олиниши керак[13].

**Суд амалиётида қўлланилиши.** Робинсон Бландга қарши иши (*Robinson v. Bland*) бўйича, 1760-йилда Лорд Мансфилд олдида, Францияда қўлга киритилган қимор ўйини бўйича қарзининг ҳуқуқий мақоми француз қонунчилигига кўра қонуний, аммо инглиз қонунчилигига кўра, ҳақиқий эмас эди. Натижасиз тортишувлардан сўнг, Лорд Мансфилд маҳаллий ва шахсий қонунлар ўртасидаги фарқга эътибор қаратган ҳолда, Улрик Хубернинг *“De Conflictu legem”* асаридан иқтибос келтиради ва ўз қарорини унинг асаридан келиб чиққан ҳолда асослайди. Шунингдек, *“ex comitate et jure gentium”* принциpidан келиб чиққан ҳолда, шартномани талқин қилиш ва бажаришда даъво қўзғатиладиган жой эмас, балки шартнома тузилган жой ҳисобга олиниши кераклигини таъкидлаган[5].

Улрик Хубер томонидан “comitas gentium” (халқаро хушмуомалалик) доктринаси асосида яратилган принциплар Америка қитъасига XVIII-аср охирида кириб келади, 1797-йилда АҚШ Олий судида кўриб чиқиладиган иш пайтида Александр Ж.Даллас (Aleksandr J.Dallas), Улрик Хубернинг қоидаларини кўриладиган ишга эслатма сифатида қўшиб қўяди. Орадан икки йил ўтганидан сўнг судья Вашингтон, хушмуомалалик (comitas) принциpidан келиб чиқиб, уларнинг розилигига асосланган ҳолда, бир давлат ҳудудида ижро қилинадиган ҳуқуқлар, бошқа давлатнинг ҳукумати ёки фуқароларига зарар етказмаса, ҳамма жойда амал қилиши мумкин деган таклифни илгари суради[5]. Бу эса, ўз навбатида Улрик Хубернинг доктринаси барча сивилизациялашган давлатларнинг миллий қонунчилигига кириб борганлигини англатади.

1895-йилда АҚШ Олий судининг “Хилтон Гуётга (*Hilton v. Guyot*) қарши иши”да, судья Грай суверенитетнинг ҳудудийлигини таъкидлаган ҳолда, ҳеч бир қонун ўзининг юридик кучига кўра, ўз ҳокимияти манбаи бўлган суверенитет чегараларидан ташқарида амал қилмайди дейди[2].

Чет эл қонунларини қўллашда, хушмуомалалик (comitas) принципи, бир томондан давлатга мажбурият юкламайди, аммо бошқа томондан хайрихоҳ (эътиборсиз) бўлмаслигини ҳам англатади. хушмуомалалик (comitas) принципи ўзининг ноаниқлигига қарамай, ушбу суд муҳокамаси, АҚШда хорижий давлат суд қарорларини ижро этилиши бўйича, агар хорижий давлатнинг ваколатли суди томонидан, адолатли суд муҳокамаси ўтказилган бўлса, жавобгар тегишли равишда чақирилган ёки ихтиёрий равишда ҳозир бўлган бўлса, ушбу давлатда маҳаллий ва хорижий фуқаролар ўртасида одил судловни таъминлайдиган ҳуқуқий тизимга амал қилган бўлса, судда ёки ҳуқуқий тизимда адолатсизлик ёки фирибгарлик ҳолатлари аниқланмаган бўлса, қарорини тўлиқ тан олмаслик учун бошқа алоҳида сабаблар бўлмаса, бу ишнинг моҳияти бўйича АҚШда янги суд жараёни ўтказилмаслиги керак деган қоидаларни шакллантиради[2].

Америкалик олим Уиллиам С. Додженинг таъкидлашича, Улрик Хубернинг comitas gentium (халқларнинг хушмуомалалик) доктринаси нафақат назарий, балки вужудга келган муносабатларни тартибга солишда, бир давлатнинг судлари томонидан хушмуомалалик (comitas) принципига асосланган ҳолда, бошқа давлатнинг қонунларини қўллаши мумкинлигини қайт этади[7]. Д.Стори(D.Stori)нинг фикрича, хушмуомалалик (comitas) принципини қўллаш чегараларини давлатнинг ўзи белгилаши кераклигини, гарчи уни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлсада, уни қўллаш мажбурий эмас дейди[15]. Шундай қилиб, comitas gentium доктринаси, турли давлатларнинг қонунлари ўртасидаги вужудга келадиган коллизия муносабатларни тартибга солиш бўйича хушмуомалалик (comitas) принципига асосан, хорижий давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этишда давлатлар бир-бирининг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, ҳамкорликни амалга оширишга қаратилган асосни яратди.

**Ҳуқуқий табиати.** XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, давлатлар ўртасида суд қарорларини тан олиш ва ижро этиш бўйича халқаро шартномалар асосида амалга оширила бошланди. Хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро этилишини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирган бир қанча универсал, минтақавий ва икки томонлама шартномалар давлатлар томонидан имзоланади. Г.И.Тункин томонидан, БМТ Низоми, “Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация” ва ЕХҲТ Яқунловчи актида мустаҳкамланган халқаро оммавий ҳуқуқнинг 10 та асосий принципларини қайт этилганлигини таъкидлайди[15]. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари бутун халқаро ҳуқуқ тизими қурилган асосий нормаларни англатади.

Л.П.Ануфриеванинг таъкидлашича, халқаро ҳуқуқнинг умуметироф этилган принципларининг ўзига хослиги уларнинг императивлигида намоён бўлади деган[14]. Халқаро ҳуқуқ принципларининг императивлигидан келиб чиқадиган бўлсак, бундай

принциплар давлатлар учун мажбурийдир ва улар ҳеч қандай истисноларсиз бажарилиши шартлигини англатади. Шу билан бирга, давлатлар маълум бир турдаги муносабатларни тартибга солувчи шартномаларни имзолаётганда ёки ҳаракатларни амалга ошираётганда ушбу принципларга зид бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, Халқаро Суд Статутининг 38-моддаси 1-қисмида халқаро ҳуқуқ манбаларининг умумий рўйхати қайт этилганлигига эътибор берадиган бўлсак, унда: халқаро конвенсиялар, умумий амалиётнинг исботи сифатида халқаро одат ҳуқуқи нормаларининг тан олиниши, сивилизациялашган халқлар томонидан тан олинган умумий ҳуқуқ принциплари, ҳуқуқий нормаларни аниқлашга ёрдам берувчи суд қарорлари ва доктриналар қайт этилганлигини кўришимиз мумкин[1].

И.И.Лукашук, “халқаро хушмуомалалик (comitas gentium), амалиётда қабул қилинган, аммо юридик кучга эга бўлмаган қоидалар” дея таъкидлаган[10]. Давлатлараро муносабатларни тартибга солишда халқаро хушмуомалалик муҳим ўрин тутаяди. БМТ халқаро суди томонидан, халқаро хушмуомалалик эътиборга олиниши, аммо уни ҳуқуқий мажбуриятлардан фарқлаш кераклигини қайт этган[10].

Ҳерш Лаутерпачт (Hersh Lauterpacht)нинг таъкидлашича, “халқаро хушмуомалалик” тушунчаси давлатлар ўртасида муносабатларни тартибга солишда қулайлик яратиш мақсадида ва яхши кўшничилик муносабатларини сақлаш учун ихтиёрий равишда амал қиладиган муайян одатларни қамраб олганлигини, лекин барча сивилизациялашган халқлар томонидан тан олинган халқаро одат ҳуқуқи сифатида тан олиш мумкин эмас дейди[15]. С.В.Николаевнинг фикрича “халқаро хушмуомалалик ўзаро муносабат мавжуд бўлган жойда содир бўлиши мумкин” деган[12].

Шундай қилиб юқорида, баён қилинганларга кўра, comitas gentium (халқаро хушмуомалалик) доктринаси асосида яратилган хушмуомалалик (comitas) принципи табиатига кўра, императив хусусиятга эга эмас. Фақатгина давлатларнинг хоҳиш иродасидан келиб чиққан ҳолда қўллаши мумкинлигини хушмуомалалик (comitas) принципини халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумеътироф этилган принциплари қаторида таснифлаш мумкин эмас деган хулосага олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, Улрик Хубернинг comitas gentium (халқаро хушмуомалалик) доктринаси асосида яратилган хушмуомалалик (comitas) принципи халқаро ҳуқуқнинг jus cogens (императив нормалар) қаторига киритилмаганлигини англатади.

**Хулоса.** “Comitas gentium” доктринасининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур доктрина асосида яратилган хушмуомалалик принципи ўз табиатига кўра, императив хусусиятга эга эмас ва давлатларга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Хорижий давлат суд қарорларини тан олиш ва ижро этишни амалга оширишда давлатлар мустақил тарзда ўз хоҳиш иродасидан келиб чиққан ҳолда, агар қўлланилаётган ҳуқуқ нормаси давлат суверенитети ва жамоат тартибига зид бўлмаса ҳамда одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган асосий принципларга зарар етказмаса бошқа давлат ҳуқуқини қўллашни амалга ошириши мумкинлигини англатади. Бугунги кунда, “comitas gentium” доктринаси назарий аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, хорижий давлат суд қарорларни тан олиш ва ижро этиш масалалари бўйича вужудга келадиган муносабатлар асосан, давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномалар асосида тартибга солинмоқда.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Статут Международного Суда ООН. <https://www.un.org/ru/icj/statut.shtml>
2. Hilton v. Guyot, 159 U.S. 113 (1895). Syllabus U.S. Supreme Court. Page 159 U. S. 164 <https://supreme.justia.com/cases/federal/us/159/113/#opinions>
3. Lorenzen E.G. Huber's de conflictu legum //Ill. LR. – 1918. – Т. 13. – С. 375
4. Leo Gross, The Peace of Westphalia, 1648-1948, 42 AM. J. INT'L. L. 20, 28-33 (1948).

5. Nadelmann K.H. Introduction-The Comity Doctrine //Mich. L. Rev. – 1966. – Т. 65. – С. 1. // [https://heinonline.org/HOL/Page?handle=hein.journals/mlr65&div=11&g\\_sent=1&asa\\_token=VEADyz9ecy8AAAAA:zQUvJmlRfm4HuH9gxpLmxF3qAgrT6KpXdkIXfPdlRsYEmr2pwCHFyD2XOE02To7Rmd\\_qCGYrQ&collection=journals](https://heinonline.org/HOL/Page?handle=hein.journals/mlr65&div=11&g_sent=1&asa_token=VEADyz9ecy8AAAAA:zQUvJmlRfm4HuH9gxpLmxF3qAgrT6KpXdkIXfPdlRsYEmr2pwCHFyD2XOE02To7Rmd_qCGYrQ&collection=journals)
6. Paul J.R. The transformation of international comity //Law & Contemp. Probs. – 2008. – Т. 71. – С. 19.
7. Dodge W.S. International comity in American courts //UCLA Conference Papers, online: American Society of International Law< <http://www.asil.org/files/dodge.pdf>>, (page last consulted August 1st 2011). – 2014. // <https://columbialawreview.org/content/international-comity-in-american-law/>
8. Edelman J., Salinger M. Comity in private international law and fundamental principles of justice //A conflict of laws companion. – 2021. [https://www.hcourt.gov.au/assets/publications/speeches/current-justices/edelmanj/Chapter\\_13%20-%20Clean.pdf](https://www.hcourt.gov.au/assets/publications/speeches/current-justices/edelmanj/Chapter_13%20-%20Clean.pdf)
9. Ullmann W., Garnett G. Law and jurisdiction in the Middle Ages. – Taylor & Francis, 2024.
10. Лукашук И.И., Международное право. Общая часть: учебник. Издание 3-е, переработанное и дополненное. М.: Волтерс Клувер, 2005. [http://www.cawater-info.net/bk/water\\_law/pdf/lukashuk\\_1.pdf](http://www.cawater-info.net/bk/water_law/pdf/lukashuk_1.pdf)
11. Рубальский К.А. Действие принципа res judicata в налоговых спорах: российский и европейский опыт //Налоговед. – 2010. – №. 7. – С. 12-25.
12. Черняк Л.Ю. Правила дипломатического протокола как разновидность международного обычая //Сибирский юридический вестник. – 2012. – №. 4. – С. 115-121.
13. Гетьман-Павлова И.В. Понятие «вежливость» в коллизионной доктрине Ульрика Губера // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2013. № 1. С. 38-62.
14. Ануфриева Л.П. Принципы в современном международном праве (некоторые вопросы понятия, природы, генезиса, сущности и содержания) //Московский журнал международного права. – 2021. – №. 1. – С. 6-27.
15. Карандашева Н.Н. Исполнение иностранных судебных поручений в порядке международной вежливости («comitas gentium») // Юридическая наука. – 2023. – №. 2. – С. 118-126.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 10 (4) – 2024*

### АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

#### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).